



ALFRED ADLER'S VIEWS ON THE CREATIVE ACTIVITY OF THE INDIVIDUAL

Davron Nuriddinovich Khujaev

Doctor of Philosophy in Philosophical Sciences (PhD)

Senior Lecturer, Department of Philosophy

Faculty of Social Sciences Mirzo Ulugbek

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Alfred Adler, creative activity, personality psychology, genius and talent, artistic imagination, art and thinking, symbols and brain activity, aesthetic values, socialization, existential analysis.

Received: 01.07.25

Accepted: 02.07.25

Published: 03.07.25

Abstract: This article explores Alfred Adler's views on creative activity within the framework of personality psychology. Highlights the significance of art, genius, and imagination in human development and perception. Special attention is given to the impact of art on the psyche, its expression of transcendental values, and its role in socialization. The paper also discusses the existential and functional aspects of creativity, focusing on Adler's concept of the "creative self."

АЛЬФРЕД АДЛЕРНИНГ ШАХСНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Даврон Нуриддинович Хўжаев

“Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси,

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университети Ижтимоий фанлар факултети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Альфред Адлер, ижодий фаолият, шахсият психологияси, даҳо ва истеъдод, баъдий тасаввур, санъат ва тафаккур, символлар ва мия фаолияти, эстетик қадриятлар, ижтимоийлашув, экзистенциал таҳлил.

Аннотация: Мақолада Альфред Адлернинг шахсият психологиясидаги ижодий фаолиятга доир қарашлари таҳлил қилинади. Ижод ва даҳоликнинг инсон мияси, тасаввури ва шахсий ривожланишидаги ўрнини кўрсатади. Санъатнинг инсон руҳиятига таъсири, унинг трансцендент қадриятларни ифода этиши ва ижтимоийлашувга таъсири чуқур ёритилади. Мақолада ижодий фаолиятнинг

функционал ва экзистенциал жиҳатлари
хамда Адлер таъкидлаган «ижодий
минглик» концепциясига эътибор
қаратилади.

ВЗГЛЯДЫ АЛЬФРЕДА АДЛЕРА НА ТВОРЧЕСКУЮ АКТИВНОСТЬ ЛИЧНОСТИ

Даврон Нуриддинович Хужаев

Доктор философии по философским наукам (PhD)

Старший преподаватель кафедры философии

Факультета социальных наук Национального

университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Альфред Адлер, творческая деятельность, психология личности, гениальность и талант, художественное воображение, искусство и мышление, символы и деятельность мозга, эстетические ценности, социализация, экзистенциальный анализ.	Аннотация: В статье рассматриваются взгляды Альфреда Адлера на творческую активность в контексте психологии личности. Раскрывает роль искусства, гениальности и воображения в развитии человека и его восприятии мира. Особое внимание уделяется влиянию искусства на психику, его связи с трансцендентными ценностями и социальной адаптацией. Также анализируются экзистенциальные и функциональные аспекты творческой деятельности и концепция «творческого Я» Адлера.
--	--

Кириш

Инсоннинг шахсий ўсиши, унинг рухий ва ижтимоий ривожланишини таҳлил қилишда ижодий фаолият алоҳида ўрин тутди. Зотан, инсон табиатан фаол ижодкор сифатида намоён бўлади ва у ўз ҳаётини, ҳиссиётлари ва рухий дунёсини англаш орқали ўзлигини шакллантиради. Мазкур жараёнда ижод, нафақат шахсий ривожланишнинг манбаи, балки бутун жамият таракқиётида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Австриялик таниқли психолог ва фалсафа арбоби Альфред Адлер инсон руҳиятидаги ижодий омилни таҳлил қилишда илк бор шахснинг "ижодий мен" (creative self) тушунчасини илгари сурди. Унга қўра, ҳар бир шахс ўз ҳаётини англаш, унга маъно бериш ва устида фаол ишлаш имкониятига эга. Адлернинг бу қарашлари фақат психология эмас, балки фалсафа, эстетика ва санъат назариясида ҳам чуқур илмий-мафкуравий таъсир кўрсатди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Альфред Адлернинг ижтимоий ва индивидуал психологияга қўшган ҳиссаси XX аср психологик таҳлилида янги парадигмани шакллантирди. Унинг "Индивидуал психология" таълимоти, хусусан, «Ижтимоий ҳиссиёт», «Устунликка интилиш», ва «Ижодий мен» тушунчалари, шахснинг ўз ҳаётига

фаол ва ижодкорлик билан ёндашишини назарда тутди. Адлернинг асосий асарларидан бири “The Practice and Theory of Individual Psychology” (1927) ҳисобланади. Унда у ҳар бир инсон ўз ҳаётининг маъносини мустақил равишда қуриши, жамиятдаги ўрнини топиши ва мураккаб руҳий муаммоларни ижодий йўл билан ҳал этиши мумкинлигини таъкидлайди.

Таҳлил ва натижалар. Инсон ўз табиатини ўзи яратади, зеро билиш, лойиҳалаш, қарорлар қабул қилиш, ижод билан шуғулланиш ва ўзини қуршаган муҳитни ўзгартириш жараёнида у ўзини ўзи лойиҳалайди, бунёд этади ва ўзгартиради. Ҳаётда бирорта ҳам статик инвариант омил йўқ, у муттасил ҳаракат ва ўзгаришдан, ўзгараётган муҳит билан янги муносабатлар ўрнатишдан иборат. Ўзгаришлар жараёнининг барқарорлиги ҳаётнинг бирдан-бир инварианти ҳисобланади. Бу барқарорлик ўтмишнинг ҳозирги замон асосида келажак билан «самарали мавжудлиги»дир. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида ижодий психофизик жиҳатларини ўрганиш бағишланган тадқиқотлар айниқса фаоллашди. Инсонга реал макон-вақт структурасидан чиқиш имкониятини берувчи «архитектуравий машиналар»ни яратиш мазкур тадқиқотларнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда «архитектуравий машина»нинг алоҳида усулда ташкиллаштирилган қўламли структураси инсонда ижод учун зарур бўлган янги образлар ва ассоциациялар пайдо бўлишига қўмаклашиши тахмин қилинади. Изланишларнинг мазкур йўналиши электрон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши билан боғлиқ. «Инсонни ҳақиқий борлиқдан ажратадиган, уни бошқариладиган иллюзион эффектлар дунёсига жойлаштирадиган «хусусий муҳит» энг янги аудиовизуал техника ёрдамида яратилди»[1, 50-бет]. Масалан, архитекторлар П.Кук, Д.Кромптон, Р.Херрон яратган «ҳаёлий шаҳарлар» лойиҳаларида электроника турли хил проекциялар ва голографик эффектлар, ранг, чироқ ва товушли дастурлар ёрдамида урбанистик пейзаж ҳаёлий манзарасини яратади. «Видеомаданият» феномени ҳам улкан имкониятларга эга бўлиб, бунда ўз уйидаги «ялпи видеомуҳит» ҳар қандай тасаввурдан кучли бўлган видеовизуал эффектларни яратиш имкониятини берувчи синтезаторлар билан тўлдирилади. «Бундай тизимни биологик алоқа мосламаларига улаб, ўз кечинмалари, тушларини визуал гавдалантириш ва эшитиш мумкин. «Медиатекура» соҳасидаги экспериментлар инсон тасаввурини «ўта таъсирчан майдонлар»га кўчирувчи товушли оптик образларни яратиш ва инсоннинг одатдаги сезгиларини бутунлай янги сенсорли «интерперсонал» психологик реакциялар билан алмаштириш имконини беради»[1, 51-бет].

Ижодий фаолиятнинг «дискретлиги – узлуксизлиги» муаммосини ўрганиш учун яхлит ёндашув талаб этилади. Бундай яхлит ёндашув, масалан, Альфред Адлернинг «теран психологияси»га хос. Унинг фикрича, «ўта шахсий» ижодий фаолиятдаги онгсизлик мавжудлиги ҳақидаги фараз фақат назарий тафаккур маҳсули эмас. Унга клиник амалиёт

хам асос бўлган. Хусусан, у мазкур амалиёт жараёнида пациентлар ўз тушларида реал ҳаётда ўзлари ҳеч қачон дуч келмаган, кўп жиҳатдан инсон маданияти тадқиқотчиларига маълум бўлган мифологик сюжетларни эслатадиган манзаралар ва образларни кўришларини аниқлаган. Ер куррасининг турли бурчакларидаги турли халқларда пациентлар шифокорларга ёрдам сўраб мурожаат этар эканлар, бир-бири билан кўп жиҳатдан мос келувчи тушларни тавсифлашлари аён бўлган. Масалан, саводсиз, бинобарин, Европа маданияти билан таниш бўлмаган ҳабашнинг тушига юнон мифологияси образлари кириши, шарқ мистикларининг ғоялари билан таниш бўлмаган европаликнинг тушларида эса қадимги ҳинд ва қадимги хитой трактатларида баён этилган манзаралар ёки образлар пайдо бўлиши аниқланган.

XXI аср бошида инсон феноменини ўрганишда индивиднинг ижодий қобилиятларини рағбатлантириш воситаси сифатида талқин қилинувчи санъат улкан роль ўйнайди. Америкалик таниқли эстетик олим ва санъат психологи Р.Арнхейм демократиянинг ривожланиши натижасида инсон ҳаёт фаолиятида санъатнинг аҳамияти тўғрисидаги ғоя вужудга келганини таъкидлайди: «Ижодий фаолият рухий ёрдамга муҳтож бўлган инсонни руҳлантиришга ва илгари фақат санъаткорлар имтиёзи ҳисобланган усуллар билан уни рағбатлантиришга қодир»[2, 273-бет]. Санъатнинг фойдаси ҳақидаги бундай тасаввур айнан фойдасизлик ҳар қандай санъатга хос хусусият ҳисобланишини назарда тутувчи эстетик анъанага зиддир. Аммо мазкур анъана эндиликда ишларнинг ҳақиқий ҳолати билан мувофиқ келмайди, зеро фактлар бунинг аксидан далолат беради.

Инсон мияси системалари бизни санъат асарларини тинимсиз томоша қилиш, тинглаш, тасаввур қилиш, изланиш, уларни яратиш ва улардан лаззатланишга мажбур этади. Фаолликнинг айна шу шакллари инсонни инсон қилган омиллар ҳисобланади (бу санъат ва фанда айниқса бўртиб намоён бўлади). Ижод ва эстетик лаззатланиш инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатлари ҳисобланади, десак, асло адашмаган бўламиз. Бундай фаоллик пайтида инсон мияси одатдаги фаолият жараёнидаги каби, бироқ анча қизгинроқ ишлайди. Кўриш ёки эшитиш фақат сезги органлари етказувчи ахборотни саралашга асосланади, деган тасаввур воқелик билан мувофиқ келмайди. Инсоннинг перцептив фаоллиги тўлалигича сезги органлари етказиб берувчи оз сонли маълумотлардан фойдаланишда образларни гавдалантиришга асосланади. Шу маънода санъат асарлари инсон ижодий фаолиятининг тимсоллари сифатида намоён бўлади.

Мия символлар билан тинимсиз ишлашини англаш орқали биз санъат асарларини тушунишга йўл топамиз. Санъат асарлари инсон миясининг символлар коди билан муайян усулда ўзаро алоқага киришувчи сўзлар, тасвир ёки товушлар билан ифодаланган символлар тўплами ҳисобланади. Ушбу код қисман туғма хусусият касб этади, қисман

маданий омиллар билан белгиланади. Худди шунингдек санъат асарларига нисбатан бизнинг айрим реакцияларимиз бевосита ва умумий ҳисобланади, бироқ умуман олганда улар санъаткор фойдаланган кодни билишни назарда тутди. Санъаткорнинг коди ва символлар тўплами бизнинг миямизда юз бераётган жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Тасвирий санъат, адабий асар, мусиқа ва ҳоказоларнинг тимсоллари амалда символлар ҳисобланади, чунки миянинг руҳий эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ бўлган дастурлари воситасида реципиентда қизиқиш уйғотади.

Санъат инсонга Шопенгауэр айтган «азалий ёлғизлик»дан халос бўлишга ёрдам беради, зеро у дунёнинг теран аналоги ҳисобланади. Яратиш акти бадиий ижоднинг синоними ҳисобланади, чунки санъат ўз ички табиатига кўра дунёни англаб етиш имконини беради. Кучли экстаз, ўта таъсирчан интуиция лаҳзаларида инсон ҳодисалар маъзини чақади. Санъат гўзалликни акс эттириш воситаси сифатида дунё ҳақидаги минг йиллик билимлар ва тажрибани ўзида қайд этади. Айни пайтда дунёвий санъат космик санъатнинг теран аналоги ҳисобланади»[3, 25-бет].

Санъатнинг аҳамияти яна шу билан белгиланадики, биз кундан-кунга янги ва янги шаклларни яратамиз; санъаткор бизга кузатишда ёрдам беради. У атроф муҳитни тасаввур қилишнинг янгича усулларини бизга таклиф қилади; санъат асарлари дунёсини ўзлаштирар экан, инсон дунёни санъаткорнинг кўзи билан кўра бошлайди. «Биз фақат икки воқеликни – ўзимиз яшаётган ва ўзимизда яшаётган воқеликни биламиз, - деб таъкидлайди Р.Гюйо. – Биринчи воқелик Коинот, иккинчи воқелик эса – руҳий ҳаётдир. Сиртдаги воқелик маконда, ички воқелик – вақтда содир бўлади, санъат эса уларни бир ерда жамлайди. Санъат асари қандайдир безак эмас... у Борлиқ сирларини ўзида мужассамлаштиради»[4, 90-бет]. Нима бўлганда ҳам, санъат ҳақиқий воқеликни кўзгу янглиғ акс эттирмайди: у инсоннинг ички дунёсини чексиз Коинотнинг ранг-баранг дунёси билан бирлаштиради ва ҳам инсон ҳаёти, ҳам Коинот мазмунини англаб етиш билан боғлиқ бўлган экзистенция сирларининг тагига етишга ҳаракат қилади. Шу маънода санъат динга анча яқин туради: дарҳақиқат, бу икки феномен ўзининг кўпгина функциялари ва индивид руҳиятига таъсири билан амалда ўхшашдир. Санъат асарларида гавдалантирилган трансцендент қадриятлар индивиднинг ижтимоийлашувига салмоқли ҳисса қўшади, унинг хулқ-атворига таъсир кўрсатади. Бадиий тимсоллар ё инсонда яхлитликни ва ижодга интилишни шакллантириши, ё дунёни ва ўз-ўзини вайрон қилиш истагини уйғотиши мумкин.

Жамият дастлабки босқичда ҳамма учун тенг яшаш шароитларини таъминлайди, кейинги босқичларда эса инсон ҳаётининг фаровонлиги унинг қобилиятларига, меҳнатсеварлигига, эркин меҳнат ва ижодий фаолият жараёнида инсоннинг потенциал имкониятларига боғлиқ бўлади. Эркин ижодий меҳнат учун инсонни меҳнатга

рағбатлантирувчи омиллар мавжуд бўлиши лозим. Меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ана шундай омиллардан бири ҳисобланади. Бунда меҳнат қанча ижодий бўлса, у шунча қиммат туриши, инсон ва жамият учун аҳамияти ҳам шунча юксак бўлиши лозим. Янги илмий билимларни яратиш борасидаги меҳнат ижодий меҳнатнинг чўққиси ҳисобланади. Гуманистик жамият амалда эришишга ҳаракат қиладиган идеал вариант – ҳар бир инсонга ўз қобилиятларини ривожлантириш имконини бериш, у қайси фаолият соҳасида ижодий меҳнат билан шуғулланиш ва ўз шахсиятини намоиш этишга қодир бўлса, шу соҳада ўз истеъдодлари ва манфаатларини рўёбга чиқариш учун унга имконият яратиб беришдир.

Альфред Адлер фикрига кўра, даҳо-ижодкор «дунё» талабларига ҳеч қачон жавоб бермайди, «дунё» буюртмаларини ҳеч қачон бажармайди, «дунёвий» категорияларнинг бирортасига ҳам мос келмайди. Даҳоликда ҳар доим «дунё» ҳукми қаршисида ожизлик, «дунё»га деярли кераксизлик нуқси зоҳир. Даҳолик «дунё» учун тушунарсиз, уни инсон фаолиятининг «дунёвий» мезонлари билан ўлчаб бўлмайди.

«Даҳоликда бирон-бир «махсус» нарсанинг ўзи йўқ, унда ҳар доим нарсалар ва ҳодисалар ҳақида универсал тасаввур акс этади, ўзга борлиқ сари ноёб интилиш кузатилади»[5, 190-бет]. Даҳолик яхлит борлиқ, универсал хусусиятдир. Даҳолик ҳамisha олим, мутафаккир, санъаткор, жамоат арбоби ва ҳоказоларнинггина эмас, балки инсоннинг ҳам хусусиятидир. Бердяев фикрига кўра, даҳолик тушунчаси даҳо тушунчасидан кенгрок. Сўзнинг ўз маъносидаги даҳолар жуда кам туғилади. Даҳолик эса, «даҳо» деб номлаш мумкин бўлмаган кўпчиликка хос. Даҳолик имкониятлари инсоннинг ижодий табиатида зоҳир ва ҳар қандай универсал ижодий интилиш даҳолик билан уйғундир. Даҳолик истеъдоддан бутунлай фарқ қилади ва у билан умумий жиҳатларга эга эмас. Даҳо доҳиёна табиатнинг ўзига хос истеъдод билан бирикмасидир.

Шундай қилиб, Альфред Адлер фикрига кўра, даҳо санъаткор доҳиёна табиат билан бадий истеъдодни ўзида бирлаштиради. Истеъдоднинг табиати органик ҳам, онтологик ҳам эмас, балки функционалдир. Истеъдод даҳога қараганда баркамолрок объектив қадриятларни яратиши мумкин. Даҳолик маданият нуқтаи назаридан бирон-бир қонунга бўйсунмайди; истеъдод муайян қонунлар доирасида иш кўради. Даҳо шахсда инсон онгининг яхлит табиати, унинг ўзга борлиқ сари интилувчанлиги мужассамлашади. Истеъдодда дунё кўйган талабга мослашган онгнинг дифференциациялаштирилган функцияси ўз ифодасини топади. Даҳо дунёда бирон-бир қадрият яратмасдан «ёниб» кетиши мумкин. Истеъдод одатда қадриятлар яратади ва баҳоланади. Истеъдодда мўтадиллик ва бир вазнлилик зоҳир бўлади. Даҳолик эса ҳар доим чексиз ва беўлчовдир. Истеъдод маданиятнинг ўртасида иш кўради. Даҳолик унинг боши ва охирида иш кўради ва чегара билмайди. Истеъдод – итоаткорлик демак. Даҳолик эса жасоратдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рябушин А., Дворжак К. Прогностика в архитектуре и градостроительстве. – М., 1983.
2. Арнхейм Р. Новые очерки по психологии искусства. – М., 1994.
3. Блок А. Новые материалы и исследования. – М., 1980.
4. Huyghe R. Introduction // In Art and the Creative Consciousness. – N .Y., 1972.
5. Рўзматова Г. Фрейдизмда инсон фалсафаси таҳлили. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009.